



2020

QAROR - ҚАРОР

№ 814-к

2007 yil «10» август

Фуқаро Расулов Абдухалимга марказий шифохона худуди ёнидан дорихона, фитобар ва энгил овкатланиш шахобчаси қуриш учун майдони ажратиш тугрисида».

Тумандаги М.Аюбов номли марказий шифохонасининг алоқа хати, туман ер танлаш хайъатининг тузган далолатномаси, фуқаро Расулов Абдухалимнинг туман хокимлигида қайд этилган аризаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Ер Кодекси»-нинг 23 моддасига асосан, асосан:

ҚАРОР ҚИЛАМАН :

1. Туманнинг Улугбек кишлоқ фуқаролар йиғини М.Аюбов номли 1-чи боши берк участка чегараси марказий шифохона худуди ёнидан фуқаро Расулов Абдухалимга дорихона, фитобар ва энгил овкатланиш шахобчаси қуриш учун масоҳати 140 м.кв.дан иборат ер майдони ажратиш тугрисидаги туман ер танлаш хайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Расулов Абдухалимга дорихона, фитобар ва энгил овкатланиш шахобчасини қуришдан олдин катъий равишда Ўзбекистон Республикасининг Шахарсозлик кодексининг 8,39,54 моддаларига амал қилган холда архитектура талаблари топшириги (АРТ) , лойиха смета ҳужжатларини тайерлаб Давлат қурилиш экспертизаси ва давлат архитектура қурилиш назорати инспекцияси руйхатидан утказиш юклатилсин.

3. Ушбу қарор бажарилишини назорат қилиш туман хокими биринчи уринбосари вазифасини бажарувчи М.Турсунов зиммасига юклатилсин.

Туман хокими

Б.Садуллаев